

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

861 Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг
директор жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшим-
чалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 й., 31-32-сон, 303-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори М.М. Холмухамедов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 август,
632-сон

33 (793)-сон

— 191 —

861-862-моддалар

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 августдаги 632-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг
директор жамғармаси тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 20¹-банд билан тўлдирилсин:

«20¹. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «Ёшлар етакчиси» вазифаси юкланган ўқитувчига (ходимга) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади».

2. 21-банддаги «ишлаб чиқариш таълими усталарининг» сўзларидан кейин «ҳамда «Ёшлар етакчиси» вазифаси юкланган ўқитувчининг (ходимнинг)» сўзлари қўшилсин.